



DVV International

Education for Everyone. Worldwide.  
Lifelong.

## **"Янги реалликни" шакллантириш– катталар таълими ва ўқишининг (КТЎ) коронавирус пандемиясига қарши курашдаги ўрни**

Коронавирус (COVID-19) пандемиянинг соғлиққа, меҳнатга ва иқтисодий фаровонликка таъсир қилишидан ҳавотирда бўлган бутун инсониятнинг кундалик ҳаётига кучли зарба берди. Даромад манбаини йўқотган миллионлаб камбағал одамлар, гендер зўравонликни бошидан кечираётган аёллар ва ксенофобия билан тўқнашаётган муҳожирлар пандемия вазиятида энг кўп азият чекаётган қатламни ташкил қилмоқда. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида ёшлар ва катталар учун таълим хизматларини етказиб берувчилар вақтинча “эшикларини ёпишга” мажбур бўлдилар, бу эса ушбу ташкилотлар ва ходимларнинг барқарорлигини жиддий муаммоларга олиб келди ва шунинг натижасида, таълим хизматларидан фойдаланувчиларни қийин аҳволга тушишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, катталар таълими ва ўқиши (КТЎ), ушбу инқирознинг оқибатларини юмшатиш мақсадида, ижтимоий соҳани ўқиш ва таълим хизматлари билан қўллаб-қувватлаб, “янги реалликни” шакллантирган ҳолда ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

DVV International, ривожланишга кўмак бериш соҳасида дунёда КТЎга ихтисослашган ягона шерик ташкилот сифатида, инқирозни КТЎ ёрдамида енгиб ўтиш концепциясини, таълим ва ижтимоий хизматларни аҳолига ва айниқса заиф қатламдаги гуруҳларга таклиф қилади. Шу билан бирга, биз ҳукуматлар ва халқаро ташкилотларни КТЎни етказиб берувчиларга (давлат, хусусий ва фуқаролик жамияти ташкилотлари), шунингдек уларнинг ходимларига ушбу вазиятдан чиқиш учун зарур ресурслар билан таъминлашга ва КТЎ сектори учун барқарор келажакни таъминлашга чақирамиз.

## **Инқирозга қарши курашда КТЎнинг салоҳиятидан фойдаланиш**

КТЎ ҳозирги шароитда алоҳида аҳамиятга эга бўлган, ўзига хос хусусиятлар тўпламини ўзида мужассамлаштирган таълим тизимининг бир қисми ҳисобланади. Такдим этилаётган КТЎ хизматлари мавжуд талаблардан келиб чиққан, асосан норасмий, амалий ҳаракатлар ва ўзгаришларга мослашувчан. Шундан келиб чиқиб, КТЎ соҳасидаги провайдерлар ва лойиҳалар одамларни турли йўللар билан қўллаб-қувватлашлари мумкин, масалан, ота-оналарга уйдаги таълимни ташкил қилишда ёрдам бериш ёки вирус ҳақидаги сохта янгиликларга қарши курашишда аҳолининг барча қатламларига ишончли тиббий таълим бериш орқали кўмаклашиш.

## **Янги таклифларни ишлаб чиқиш**

Бутун дунёда кундузги ўқитиш фаолияти маълум бир меёрда чекланган ёки деярли бутунлай тўхтатилган. Натижада, одамларнинг асосий таълим шаклларида иштирок этиш имкониятлари чекланган. Бу ҳолатда масофавий таълим имкониятларини жадал ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб, соҳани имконият даражасида рақамлаштириш учун сармоя киритиш ва айниқса ўқитувчилар ҳамда КТЎ борасидаги янги дастурлар ва ёндошувларни ишлаб чиқиш салоҳиятини оширишни талаб қилади.

## **КТЎ учун барқарор келажакни таъминлаш**

Кўплаб КТЎ етказиб берувчилари учун бу экзистенциал инқироз. Даромад олиш имкониятларининг пасайиши (масалан, ўқиш учун тўловлар, қўшимча лойиҳаларни молиялашни тўхтатилиши), КТЎ провайдерлари ва штатдан ташқари фаолият олиб бораётган жуда кўп ўқитувчилар катта иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бутун дунёдаги ҳукуматлар ва жамиятларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси таълим тизимининг бошқа соҳалари каби КТЎ соҳасига тўғридан-тўғри молиявий кўмак ажратиш орқали соҳанинг яшаб қолиши ва фаолиятини сақлаб қолишдир.

## **“Биз истаган дунёда” ишлаш учун имконият ва шароит яратиш**

Пандемия (бизнинг) жамиятимиз дуч келаётган бир нечта муаммоларни белигилаб берди: кўпгина жамиятларда барқарорликнинг йўқлиги, ижтимоий бўлинишларнинг таъсири, иқлим ўзгариши таҳдиди, глобаллашув жараёнларининг ҳавфлари қабилар, бу қабил муаммоларнинг бир нечтаси ҳалос. КТЎ катталар ва ёшлар учун ижобий ўзгартиришларни тадбиқ этиш мақсадида ўз истиқболларини аниқлаш ва ечимларини топиш учун таълим майдонларини тақдим этиш имкониятига эга.

Ҳукуматлар, ривожланиш бўйича ҳамкорлар ва халқаро агентликлар КТЎни турлича қўллаб-қувватлашлари мумкин:

- Таълимни ижтимоий неъмат сифатида тушунишни тарғиб қилиш учун ҳамкорлар ва тармоқларга қўшилиш. КТЎ давлат даражасида таш олиш ва таълим тизимининг ажралмас қисми сифатида молиялаштириш.
- КТЎ провайдерларини янги, талабга асосланган ҳолда рақамлаштирилган таълим имкониятларини ривожлантириш ва барча ўқувчиларга улардан фойдаланиш имкониятларини яратишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш. Рақамли таълим ҳамма учун сув ёки электр энергияси каби умумий жамият неъматига айланиши керак.
- КТЎ асосий етказиб берувчилари ва тармоқлари – институционал тизимни ва асосий ходимларни ҳимоя қилиш учун мослашувчан, махсус ишлаб чиқилган молиялаштириш схемаларини тақдим этиш.

DVV International ўз ролини коронавирус таъсирида юзага келган инқироз оқибатларини енгиллаштиришда ҳамқорларини қўллаб-қувватлаш ва инқирозга қарши ҳаракатлар сифатида КТЎнинг асосий хизматларини тақдим этиш имконини берадиган шаклларни ишлаб чиқишда деб билмоқда. Ташкилот 30 дан ортиқ мамлакатларда ўз фаолиятини давом эттиради ва пайдо бўлаётган муаммоларнинг ечими сифатида КТЎ тузилмалари ва хизматларини мослаштиришда ўз тажрибасидан фойдаланишни давом эттиради. Коронавирус - глобал инқироздир ва биз жавобнинг ҳақиқатан ҳам глобал бўлишини ва КТЎ барча жабҳаларда тан олинган шароитда “янги барқарор реаллик”ни мақсад қилиб олган бўлишини таъминлашимиз зарур.

*Июль 2020*